

Мадаева Мўътабархон Амануллаевна,  
 Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчиси,  
 E-mail:mutabar\_aziz@mail.ru,  
 тел: (моб) 90 996 4769

### “Сабъай сайёр” достонида арабча-ўзлашма сўзлар талқини

"Сабъай сайёр" достонидаги арабизмларнинг талқин этилиши достондаги араб сўзларининг мазмуни ва уларнинг ўзбекча сўзлар билан ўзгача маъно англатишини таҳлил этишни талаб қилади.

اوّل اولتورکای آنى بىرماي امان تاکه قىلغاي نظاره يخشى يامان

توشكاي اندىن غنيمىي كونكلى كابىم سعد ايلا كار زار قىلغاندا<sup>1</sup>

Аввал ўлтургай они бермай амон,

Токи қилғай наззора яхши-ёмон

Тушгай андин ғаними кўнглига бийм,

Ғолиб ўлғай, чу бийм топти ғаним».<sup>2</sup>

Мазмуни: Бутун халқ катта кичик ўртасида уни ўлдирайин, бу ҳолни кўриб бутун ғанимларнинг кўнглига ваҳима тушсин, менинг ғолиб чиққанимни кўриб душманларим хавф-хатарда қолсин.<sup>3</sup>

Ушбу мисрада араб сўзи "نظاره" қўлланилган, "қилғай наззора" – "кўриб" яъни "қарамоқ, кўрмоқ" феъллари мазмунида ишлатилган. Араб тилида ушбу сўз "نظارة" – томошабин, кўзойнак<sup>4</sup> деган мазмунни беради. Шоир бу услуби билан китобхонни қизиқтириш, байт мазмунига янада ургу бериш мақсадида "кўриб"

<sup>1</sup> عليشیر نوابی. خمسه. سبعه سیار. طیار لاوچی پارسا شمسیف. تاشкینت - 1956، ص-122

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Ўнинчи том. - Тошкент: Фан, 1992.Б-230

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Сабъай сайёр. Насрий баёни билан. - Тошкент: Faafur Fulom, 1991.Б-458

<sup>4</sup> Баранов Х.К. Большой арабский-русский словарь. Том II. - Москва: Живой язык, 2006.С-811

сўзини ишлатмай, арабий сўздан фойдаланган. Ушбу "نظارة" сўзи "Сабъаи сайёр" асарида 15 марта қўлланилган.

Маълумки, ўзбек тилида арабий–ўзлашма сўзлар мавжуд. "Сабъаи сайёр" достонидаги араб сўzlари кўплиги боис ушбу достон мисолида араб сўzlари талқин қилиниши, араб сўzlарининг мазмунан тушунишга ва асарнинг моҳиятини англашга тўсқинлик қилади.

چون کوروپ عقل رای مختلفی      کوزنى کور ایتیب قضا الفی<sup>5</sup>

Чун кўrub ақл ройи муҳталифи,

Кўзини кўr этиб қазо алифи.<sup>6</sup>

Мазмуни: У аввал яратилиб сўнгра йўқ этилаётган нарсаларни қўриб ақли лол, уларнинг ҳар бири илохий ҳикмат туфайли эканлигидан ҳайратда [15.355].

Ушбу байтда муаллиф арабча "مختلف" – турли, хилма-хил сўздан фойдаланган, бу ерда мазмунан "акл ройи муҳталифи" иборасини тушуниш мураккаб, бўлиб аниқ тушуниш қийин. Ҳакиқий арабча "مختلف" сўзни достонда фақат 2 марта қўлланилган.

کیمسا نی نوع ایtar بو اویدا مقام یا توtar بو مقام ارا آرام

مختلف کیلдی چرخ زنکاری اندین آرتوق نجوم سیاری<sup>7</sup>

Кимса не навъ этар бу уйда мақом,

Ё тутар бу мақом аро ором.

Мухталиф келди чархи зангори,

Андин ортуқ нужуми сайёри.<sup>8</sup>

Мазмуни: " Қандай қилиб бирор кимса бундай уйда тинч яшай оладики, мовий осмон хилма-хил кўринишга келиб, ундаги сайд этувчи юлдузлар ўзгача бўлса". Ушбу байтда муаллиф "хилма-хил" сўзини жарангдор оҳанг

<sup>5</sup> عليشیر نوایی. خمسه. سبعه سیار. طیار لاوجی پارسا شمسییف. تاشкینت - 1956، ص-6

<sup>6</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўнинчи том. - Тошкент: Фан, 1992.Б-9

<sup>7</sup> عليشیر نوایی. خمسه. سبعه سیار. طیار لاوجی پارسا شمسییف. تашкینت - 1956، ص-196

<sup>8</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўнинчи том. - Тошкент: Фан, 1992.Б-384

билан беришда арабча сўздан фойдаланган. Буни ўқиган китобхон айнан шу сузни "хилма-хил" деб тушуниши учун луғатдан фойдаланишига тўғри келади.

Шу сабабли бўлса керак олимлар тарафидан Навоий асарлари луғатлари нашр қилинганд. Лекин айнан араб сўзларнинг достонга аҳамиятли тарзда қўлланилиши ўрганилмаган. Аслини олганда, бадиий асар таҳлили кўп қиррали жараён. Муаллифнинг асар матнига киритган ғояси, матн тузиш имкониятлари, матнда қўлланилган бадиий тасвир воситалари, бошқа поэтик усуллар орқали ўқувчига етиб боради. Адабий герменевтикада матн архитектоникаси тавсифи, талқини парадигмаларини тушуниш, асар замирига сингдирилган маъно, моҳият, инсон ички дунёси орқали акс этган бадиий, фалсафий ғоя эмоционал эстетик таъсирнинг ранг ва даражаларини ҳам аниқлайди.<sup>9</sup> Аслини олганда бадиий асарларни аниқ тушуниш ва талқин қилиш муаммоси филологик герменевтика методологиясининг асосий муаммоларидан биридир. Бадиий матнни тушуниш муаллиф танлаган лингвистик шакл ва асарнинг ғоявий мазмуни ўртасида боғланишни ўз ичига олади. Адабий-бадиий асарни тўғри тушуниш, энг аввало, матн ёзилган тилнинг луғат бойлигини билиш, уни тўғри талқин қила билиш билан белгиланиши керак.

«Сабъай сайёр» достонидаги арабий сўзларни герменевтик таҳлилида сўзнинг мазмунан мос шаклига аҳамият берилса, шоирнинг ўзига хос ўринга эга араб сўзидан фойдалангани билан бирга араб тили грамматикасини мукаммал билганлиги намоён бўлади.

شاه سلطان حسین بن منصور    کیم بیریب نصرتی جهانغا سرور

خانلار اوزره بىتىپ اطاسى انىڭ    خان بن خان اتا اناسى انىڭ<sup>10</sup>

Шоҳ Султон Ҳусайн бин Мансур

<sup>9</sup> Тожибоева М., Юсупова Ш., Бўриева Э. Адабий герменевтика ва мумтоз бадиий тил. Т.: - Университет, 2013.Б-4

<sup>10</sup> علیشیر نوابی. خمسه. سبعه سیار. طیار لاوچی پارسا شمسیف. تашкیفت - 1956، ص-35

Ким, бериб нусрати жаҳонга суур.

Хонлар узра етиб атоси анинг,

Хон бин хон ато атоси анинг.<sup>11</sup>

Мазмуни: Шоҳ Султон Ҳусайн бин Мансурнинг бутун жаҳонга хурсандлик бахш этди, шохнинг отаси ҳам хон ибн хон ота эди.

Достонда номга олинган жой номлари, атоқли отларни баъзи бирлари араб тилида кенг миқёсда қўлланилиб келинади. Бунда шоирнинг араб тилини мукаммал билишига ҳеч қандай шак-шубҳа уйғотмайди. Чунки нозик таъб билан ёзилган Навоийнинг барча асарлари қаторида «Сабъаи сайёр» достони ҳам араб тилидаги кўпгина терминларни, сўз ва ибораларни ўзида мужассам этган.

Юқоридаги фикрларни эътиборга олиб достоннинг номига эътибор берилса, Навоийнинг ўзи:

Бўлди чун бу рақам иши тайёр,

Қўйдим отини Сабъаи сайёр

деб, аниқ кўрсатиб берса-да, нима учундир бу асар «Сабъаи сайёра» (Етти сайёра) деб атаб келинган.<sup>12</sup> «Сайёр» сўзи луғатларда: 1. кезувчи, сайёҳ; 2. сайёра тарзида изоҳланади.<sup>13</sup> Бунда достон номланишини аниқ билишда уни тўғри талқин этиш муҳим. Навоий достонда етти мусофирининг етти ҳикоясини асос қилиб олган. Бу эса муаллифнинг ном танлашдаги маҳоратини билдиради. Кўпинча, муаллифнинг маълум бир ном, исм, манзилни танлаш мотивациясини тушуниш тадқиқотчининг "фон билимлари" миқдорига боғлиқ. Ўз асарига шундай ном бериб, уни маълум бир манзилга жойлаштирган ёзувчи уни алоҳида муҳитга жойлаштиради ва шу билан воқеаларнинг кейинги ривожланишини олдиндан белгилаб беради.

<sup>11</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўнинчи том. - Тошкент: Фан, 1992.Б-60

<sup>12</sup> علیشیر نوایی. خمسه سبعه سیار. طیار لاؤچی پارسا شمسیف. تاشкینт - 1956

<sup>13</sup> [http://navoi.natlib.uz:8101/uzb/xamsa\\_sabai\\_sayyor\\_uninchi\\_tom/sharh\\_va\\_izohlar/](http://navoi.natlib.uz:8101/uzb/xamsa_sabai_sayyor_uninchi_tom/sharh_va_izohlar/)

Ўқувчининг бундай тафсилотларни билиши асар ва муаллифнинг ниятини тушунишни сезиларли даражада осонлаштиради.

Филология фанида матнни тушуниш моҳияти ҳақидаги масала энг муҳим долзарб ва мураккаб муаммолардан биридир. Шу сабабли тушуниш жараёнини бирор бир ягона йўналиш асосида ўрганиш мумкин эмас. Тушуниш жараёнига диалектик муносабат унинг йўналишлари кенгайтирилишини ҳамда тушуниш ташкил топишини ҳам диахроник аснода ўрганишни талаб қиласи.<sup>14</sup> Диахрония - (юонча диа - орқали, хрония - вақт деган маънони англатади) фазо-вақтдаги баъзи ҳодисаларнинг мавжудлиги, объектлар ва жараёнларнинг давомийлигини билдирувчи ҳодиса ва тушунча. Бу ҳодисалар вақт оралиғида ҳар қандай турдаги объектлар ва жараёнларнинг мавжуд бўлиш давомийлигини билдирувчи ҳодиса ва тушунча ҳисобланади. Шу билан бирга, объект моҳиятининг маълум томонларини, масалан, мавжудликнинг турли шаклларини, синхрон бўлакда макон ва вақтдаги позициясини, шунингдек, бутун ва қисмнинг нисбати, дискретлик ва континуум муносабатларини, такрорланиш, ҳодисаларнинг бир-бири билан боғланиши ва уларнинг кетма-кетлиги, интервалларнинг аниқлиги ва уларнинг ноаниқлиги, предметлар мавжудлигининг яхлитлиги, ҳодисаларнинг вақти, умуман олганда – тарихий нуқтаи назардан ривожланишини акс эттиради. Диахроника мазмуннинг моҳиятини кўрсатади ва шахснинг психикаси, психологияси, менталитети, хулқ-атвори ва диахроник ахлоқини намоён этади. Тафаккурнинг ўз мазмуни ва чуқур моҳиятига кўра, бутун борлиқ ва тафаккур жойлашган асосий жараён шакли ва архитектоникасининг энг муҳим хусусиятидир. "Сабъаи сайёр" достонидаги араб сўзларини диахрония орқали асл илмий-танқидий матн билан ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Холоса қилиб айтганда, "Сабъаи сайёр" да ҳам бир шеърий матнда поэтик сўзнинг илҳом келтирувчи бадиий санъат воситаси сифатида

<sup>14</sup> Тожибоева М., Юсупова Ш., Бўриева Э. Адабий герменевтика ва мумтоз бадиий тил. Т.: - Университет, 2013.Б-14

ифодаланиши юқори даражада хизмат қилган. Бу ўринда Навоий арабизмлардан салмоқли фойдалангани аниқ сезилган. Ҳар бир лексик восита поэтик маъно билан ўлчаниб, шаклан тартибга солинган араб сўзлари орқали янада жозибадор мазмунни юзага келтиради. Герменевтиканинг контекстли талқин қилиш, герменевтик доира, тушуниш ва талқинни фарқлаш ва қулайлик тамойиллари орқали араб сўзларини ижодкорнинг ғоявий мақсадларини тушунган ҳолда мазмунан тўғри англашга ёрдам беради.